



ДУНЁДАГИ ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИНИНГ ВАРИАНТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

Рахимов Фанишер Худойқулович,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти

Калим сўзлар: генеалогик, методологик, маҳаллий стандарт, маҳаллий вариант, экзонорматив муҳимлашув, эндонорматив муҳимлашув.

Оламда мавжуд нарса-ходисаларни уларнинг таркибан пайдо бўлиши, тарихий тараққиёти, учраган ўзгаришларига нисбатан ўрганиш анъянага айланган. Шунингдек, бирор-бир обьектнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёти ҳақида гапиришдан олдин ушбу обьект тавсифланиши лозимлиги ҳам барчага маълум. Тавсиф эса тизимли ёндашувни талаб қиласди, зотан, тизимлаштиришсиз илмий таҳлил ҳеч қандай натижага эга бўла олмас эди. Буюк Абу Райхон Берунийнинг “Менералогия” асари яратилмаганида минераллар ва кристалларнинг табиатини ўрганишда дунё фани яна неча асрлар оқсоқланиб юрган бўлар эди. Америкалик олим Ф.Старр яқинда қайд этганидек, “табиий танлов” конунини Чарльз Дарвиндан минг йиллар олдин кашф этган бу зот “ўзининг кўптомлик, аниқ фактларга лиммо-лим асарларини яратиш учун янги метод ва технологияларни татбиқ этди ва кейинчалик уларни математика, тригонометрия, сферик геометрияга оид воситалар ҳамда мумтоз мантиқнинг аниқ таҳлил усуслари билан бойитди. Шунинг билан биргаликда, у ўз хулосаларини баъзан фаразли кўринишда баён қилиш билан бошқа тадқиқотчиларга уларни текшириб кўриш ва мукаммаллаштириш имконини қолдирди. Аммо буни яна беш юз йил кутишга тўғри келди ва ниҳоят европалик тадқиқотчилар унинг башоратларини тасдиқлаш ҳамда жасурона хулосаларини эътироф этишга мажбур бўлдилар” (Starr 2013:378).

Кўринадики, тизимлаштириш ва таснифлаш илмий таҳлилнинг асосий босқичларидан бўлиб, у фан соҳалари

ривожининг кейинги босқичларини белгилаб беради. Аниқ ва табиий фанларда таснифлашнинг намунали методлари яратилган бўлиб, улардан фойдаланиш асосида ўрганилаётган обьектнинг тизимга хос хусусиятлари ва фарқли белгилари аниқ кўринишда намоён бўлади ҳамда тасниф қатъий, тартиботли кўриниш олади. Жумладан, скандинав олими Линнейнинг ботаникага ва рус тадқиқотчиси Мендельевнинг кимёга оид тасниф-жадваллари шундайлар қаторига киради. Бизнинг фанимизда эса бундай натижаларга эришиш қийин масала. Аниқ методларнинг етишмаслиги, тасниф учун зарур бўлган белгиларни ажратишнинг баъзан қийин кечиши, ўткинчи ҳоллар ва кўрсаткичларнинг кўп учраши кабилар лисоний ҳодисалар таснифида турли-туманликлар мавжудлигига сабаб бўлмоқда. Ҳатто, Маҳмуд Кошгарий бошлаб берган ва кейинчалик “ёш грамматик”лар давом эттирган тилларнинг генеалогик таснифини оладиган бўлсак, унда қатор “бўш” ёки “ноаниқ” ўринлар, исботсиз фаразлар мавжудлигини кўриб турибмиз. Барчага таниш бўлган морфологик тасниф амаллари ҳам тулиғича кутилган натижаларни бермади, талабалар ҳозиргача аналитик тилни флексивидан фарқлашда қандай усулдан фойдаланиш лозимлиги тўғрисида аниқ кўрсатма ола олмасдан турибдилар, чунки кўпгина ҳолларда морфологик кўрсаткич таснифий белги вазифасини ўтамасдан қолади. Бироқ мавжуд муаммо ва қийинчилклар тилшуносликда таснифлаш амаллари самара бериши қийин ва шу боис уларга мурожаат қилиш шарт эмас, деган фикрни уйғотмаслиги лозим. Аксинча,



уларнинг қулай ва маҳсулдор шаклларини излаш ҳамда режали, аниқ мақсад ила амалиётга татбиқ этиш йўлларини қидириш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифадир.

Қўлланилаётган усуллар ва амаллар тадқиқ обьекти табиатига мос келиши илмий таҳлилнинг энг асосий методологик талабларидандир. Зотан бир соҳадан иккинчисига (масалан, табиий фанлар доирасидан гуманитар фанлар соҳаларига) зўрлаб кўчирилган метод ёки тамойил кутилган натижани бериш ўрнига, аксинча, ўрганилган обьектнинг моҳияти ҳакида нотўғри тасаввур уйғотишига ишончимиз комил. Бунинг исботини, масалан, математика фанига оид кўплаб тушунча ва ғояларни тишлиносликка олиб киришга уринган глоссематика ҳамда генеративизм каби йўналишлар қисматида кўриш мумкин. Мураккаб табиатли тил тизимини, унинг доимий ҳаракатдаги ҳодисаларининг “иш фаолияти”ни, инсон ҳаётида бажарадиган вазифаларини илмий билиш, руҳан тасаввур қилишга кенг қамровли ёндашув мос келиши билан бир қаторда, ўта эҳтиёткорликни ҳам талаб қиласди. Тилга хос ҳодисалар таҳлилида, уларни таснифлашда синчиковликни унудиши ҳамда синовдан ўтмаган амаллардан фойдаланиш этикдўзнинг мўкки тиккич бигизидан шоҳи рўмолчага гул битишида фойдаланишдек bemaza ҳаракатга сабаб бўлади.

Тиллар таснифида эътибор, энг аввало, лисоний хусусиятларга, яъни орфографик, фонетик, лексик, грамматик ва прагматик кўрсаткичларга қаратилиши муқаррар. Лекин тиллар ва уларнинг варианtlари ҳакида сўз кетганда улар қўлланишда бўлган юртлар, уларда сўзловчилар ҳамда уларнинг бошқа тиллар (вариантлар) билан алоқаси каби факторларга эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ. Лингвистик ва ушбу турдаги ижтимоий-жуғрофий кўрсаткичлар бир хилда эътиборга олинадиган таснифи *социолингвистик таснифнинг алоҳида тури сифатида қараш лозим*.

Социолингвистик таснифнинг бу тури бажарилишида тил тараққиёти жараёнида тизимда юзага келадиган турли силжишлар ўрганилиб, улар натижасида шаклланадиган варианtlар ўзаро киёсланади ҳамда алоҳида гурухларга ажратилади. Бунда, албатта, гурухлашнинг таянч нуқтаси, яъни варианtlар қиёсида tertum comparison вазифасини ўтайдиган асосни топиш муҳимдир. Лингвистлар тил варианtlари ва диалектларини фарқлашда “стандарт” тушунчасига мурожаат қилиб келмоқдалар.

Тилнинг стандарт шаклини олиши узоқ пайтни талаб қиласди ва у ижтимоий-иқдисодий шарт-шароитлар қамровида кечади. Бундан ташқари, маълум турдаги лугат; грамматик, фонетик меъёрлар танлови бажарилиши лозим. Ушбу меъёрлар танланишида ёзувчилар, ўқитувчилар, нашриётчилар ва бошқа зиёлиларнинг ҳиссаси алоҳида ўрин тутади. Масалан, инглиз тилининг стандартлашиши ушбу тилнинг Англия худудида расмий мулоқот воситасида муқимлашуви, расмий ёзишма, нашрларда баён услубига эътиборнинг кучайиши билан боғлиқ. XVIII-XIX асрларда юзага келган бундай муҳитда Лондоннинг шимолий қисмида яшайдиган бадавлат оиласлар маъқул кўрган тил инглиз стандартига асос бўлди. Бунда, гумонсиз, Кембриж ва Оксфорд университетларининг ўрни ҳам алоҳидадир. Айниқса, 1755 йилда лугатшунос Самуэл Жонсоннинг машҳур лугати нашр қилинганидан сўнг грамматик ва орфографик қоидаларнинг стандарт шакл сифатида кодлаштирилиши, яъни қайд этилиши осонлашди (ушбу луғат таҳлилига ҳамюртимиз диссертацияси бағишиланганлигини эслатмоқчимиз: Салоҳитдинов 1975).

Кўринадики, стандартлашиш энг камидаги тўрт босқичдан иборат: тил қоидаларнинг танлови, бу қоидаларнинг маълум ижтимоий гурух тамонидан қабул қилиниши, уларнинг тарқалиши ва айrim етакчи ташкилотлар тамонидан



маъкулланиши ва қўлланиши. Қоидалар танловида лингвистик хусусиятларга нисбатан алоҳида шахслар ва гурухлар фикри устун туради ҳамда, одатда, зиёлилар нутқи меъёр сифатида белгиланади. Танланган меъёрлар турли ўкув даргоҳларида, диний муассасалар, давлат ташкилотлари, нашриётларда маъкулланади ва тарқалади. Меъёрларнинг тарқалиши шакл ва вазифа яқдиллигини тақоза этади, масалан, инглиз стандартининг шаклланиши даврида унинг кўплаб юон ва лотин лугат бирликларини қамраб олишига тўғри келди, чунки улар илм, дин, фалсафа соҳаларида муҳим роль ўйнайдилар.

Айтилган босқичлардан ўтгандан сўнг танланган қоидалар кодлашиб бошлайди. Кодлашиш маълум мазмунга эга бўлган лисоний ҳодисаларга тартиботли равишда лисоний белги берилишидир. Код, одатда, маълум кўринишда ижтимоий келишув асосида қабул қилинади ва маълум маданий мухитда қўлланишда бўлади (Jakobson 1990:15). Стъюарт Холл кўрсатганидек, “коднинг фаоллашувисиз мулоқотнинг росмана ва мазмундор бўлиши кийин” (Hall 1996:37). Коднинг маълум вазиятларда жамиятда устунликка эришиши ва жамоадаги лисоний фаолиятни маълум даражада “назоратга олиши” стандартнинг шаклланишини тезлаштиради ҳамда унинг ролини мустаҳкамлайди. Бинобарин, 19 асрдан кейин Англияда оғзаки ва ёзма нутқнинг маълум усувларини тавсия қилувчи кўплаб грамматик, стилистик қўлланмалар нашр қилиниши авж олди. Аммо тавсия қилинаётган “тўғри” шаклни “нотўғри” сидан ажратиш бирор-бир аниқ мезонга эга эмас ва бу борадаги кўрсатмалар мавхумлигича қолиб кетмоқда. Масалан, coming, hunting каби шакллардаги –ing форматини унинг ёзилишидан келиб чиқиб, [in] кўринишида талаффуз қилиш ёки isn't инкор формасини ишлатиш ҳақидаги тавсиялар

бирор-бир мантиқий асосга эмас (барча [in] ва *ain't* шаклларидан фойдаланади).

Эслатиб ўтиш жоизки, стандартларнинг юқорида санаб ўтилган мезон ва ҳолатлари асосан инглиз тилининг икки минтақада, яъни Америка Кўшма Штатлари ҳамда Буюк Британияда амалда бўлган нормалари мажмуасига оидdir. Бироқ АҚШда ҳам меъёрлаштириш йўли билан стандарт чегарасини белгилаш муаммоси узилкесил ҳал қилинмасдан қолмоқда ва бу борада турли, баъзан бири-иккинчисига қарама-қарши фикрлар туғилишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотчиларнинг ёзишларича, стандарт таснифида тилнинг ҳудудий варианtlарини инобатга олиш даркор эмиш, “чунки, масалан, car bear қаторидаги сўзлардаги “r” ҳарфининг Шарқий Янги Англия ва Жанубий-Шарқий Америка ҳудудларида (*car* ўрнига *cah*, *bear* ўрнига *beah*) талаффуз этилмаслиги стандарт меъёри сифатида қабул қилиниши билан бир қаторда, бошқа ҳудудларда талаффузда тўлиқ акс топишини ҳам меъёрдан четга қўйиб бўлмайди” (Wolfram, Shilling-Estes 1998:11).

Ҳакиқатан ҳам тил меъёрларининг белгиланишидаги бу қадар нотурғунлик, уларнинг сўзловчиларнинг қайси ҳудудда яшашига боғлиқ ҳолда белгилаш “стандарт” ҳодисаси тўғрисида гапиришнинг ўзиниёқ қийинлаштиради. Ҳарҳолда, АҚШда ҳам инглиз тилининг стандарт қоидаларини кодлаштириш ҳаракатлари мавжуд ва 1828 йилда нашр қилинган *An American Dictionary of the English Language, Heritage Dictionary, The Longman Pronunciation Dictionary* кабилар бунга мисол бўла олади (Wells 2008). Талаффуз ва грамматикадаги турли туманликлардан қочиш мақсадида америкалиқ олимлар Network English Standard кўрсатмаларига амал қилиш маслаҳатини берадилар, чунки Received Pronunciation нормалари “алоҳида ижтимоий гурухга оид бўлиб, ҳеч қачон умумий талаффуз ҳолатларини акс эттиргмаган” эмиш (Milroy 1999:174).



General American атамасини олган вариант ўзига хос фонетик, орфографик, грамматик хусусиятларга эга ва бу хусусиятларга асосланган ҳолда уни British English вариантидан фарқлаш мумкин.

Кейинги йилларда илмий адабиётларда Ҳиндистон, Сингапур, Жанубий Африка, Нигерия, Ямайка каби мамлакатларда кўлланишда бўлган инглиз тили вариантиларига нисбатан “маҳаллий стандарт” (local standards) атамаси ишлатилмоқда. Ушбу атаманинг изохи жуда оддий: турли мамлакатларда юзага келган варианtlар British English вариантига грамматик ва орфографик жиҳатдан мос келиши билан бир қаторда, талаффузда ва мулоқот қоидаларида фарқقا эга бўлади (Trudgill, Hannah 2008:1-4). Лекин британиялик тилшуносларнинг ушбу кўрсатмасига амал қиласиган бўлсақ, масалан, Норfolk шевасида сўзловчиларнинг феъль тусланишидаги биринчи ва учинчи шахс шаклларини фарқламасликларини (*I do, he do*) ностандартликка йўйиб, ҳиндистонлик ва нигерияликлар инглиз тилини, улар [θ] ва [θ] товушларини талаффуз қиласликларидан қатъи назар, стандарт сифатида қарашга мажбур бўламиз. Чунки улар *I do* ва *he does* шаклларини фарқлайдилар.

“Маҳаллий варианtlар”нинг кўпчилиги бизнинг асримизгача унчалик кенг миқёсда кўлланишда бўлмаганлиги сабабли, тил бирликларини тўғри ишлатиши, грамматик қоидалардан ўринли фойдаланиш ҳакида аниқ кўрсатмалар йўқ, уларда норма омманинг нутқига нисбатан белгиланади. Ҳиндистон, Нигерия, Жанубий Африкада амалда бўлган варианtlарга келадиган бўлсақ, уларда стандартлашув илк босқичларда турибди, танланган меъёрларни ҳали ҳамма бир хилда эътироф этиб улгургани йўқ. Нигериялик тадқиқотчи А.Банжо гувоҳлик беришича, шу мамлакатда инглиз тилида ижод қилувчи муаллифлар ёзаётгандарини текширишда асосан “Зиёли ҳамюртимиз шундай усулда сўзлайдиларми?” деган

саволга жавоб излар эканлар (Banjo 1993:209).

Стандартлашув Ҳиндистон, Сингапур, Малазияда бироз тезлашгандек кўринади. Ҳиндистонлик тилшунослар тузган “Indian and British English” лугати яқинда нашрдан чиқди (Nihalani et al. 2006). Аммо бу лугатда инглиз тили стандартига қиёслаган ҳолда берилаётган меъёрлар фақат тавсиф кўринишига эга бўлиб, уларга риоя қилиш ҳакида ҳеч қандай тавсия ёки кўрсатма йўқ. Натижада, инглиз тилида чоп қилинадиган маҳаллий газета, журналларда ҳеч бир стандартга мос келмайдиган грамматик шакллар, нутқий тизилмалар кўлланиши доимо кузатиб келинаётган ҳолдир (қаранг: Görlach 1995). Малазия, Сингапур ва Филиппинда ҳам қарийб шунга ўхшаш жараёнлар кечмоқда (Deterding 2007; Bolton 2002; Gill 2002; Anthea Gupta’s Welpage; Language Varieties Website).

Буларнинг барчаси стандартлашишни белгиловчи мезонларни қайтадан кўриб чиқиш ва меъёрлар танловида тил тизимида юзага келаётган ўзгаришлар ҳамда грамматик-лексик мукоиликларга эътибор қаратиш лозимлигидан дарак беради. Зоро, лисоний ҳодисаларнинг ҳар қандай кўринишида моделлаштирилиши тилнинг умумий табиатини, унинг ҳаракатчанлиги ёки динамикасини ҳамда унга хос бўлган яратувчанлик қобилиятини акс эттириши керак. Бундан ташқари, стандарт тилнинг манбаси фақат Британия ва АҚШ бўлиши кераклигини уқтириб келаётган гоя ҳам анчагина эскириб қолганга ўхшайди. Лисоний ҳодисалар тавсифида плюралистик ёндашувнинг самарадорлиги кўп бор синаб кўрилган. Боз устига, айрим мамлакатларда инглиз тилида “кўшмаданиятлик” намунаси бўлган бадиий асарлар пайдо бўлмоқдаким, Нобель мукофоти соҳиби Ғарбий Африка вакили Воил Сойинка (Wole Soyinka), ҳиндистонлик Анита Десай ва Рожа Рао кабиларнинг асарлари матнидан стандарт



меъёрларни белгилашда фойдаланмасликнинг иложи йўқ.

Афсуски, инглиз тилининг ҳамма учун бир хил бўлган ҳалқаро стандарти (International Standard English) қабул қилинмаган. Бизнингча, бундай кўринишдаги стандартни шакллантириш даврдошларимизнинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб улгурди. Ҳалқаро стандарт маълум даражада сунъий мундарижага мойил бўлишидан кўрқаётгандарга эслатмоқчимизки, ҳозир амал қилаётганимиз British English Standard ҳам алоҳида шахслар фаоллигида шакллантирилган ва ундан ҳозирги пайтда Англия аҳолисининг фақат 12 фоизи фойдаланмоқда (қаранг: Trudgill 2002; Britain 2010:41). Лекин ушбу стандарт инглиз тили таълимида, матбуотда ҳамон таянч манба вазифасини ўтаб келмоқда. Шунга нисбатан, ушбу стандартнинг тил вариантлари қиёсида *terium comparison* вазифасини бажаришини ҳамда стандартлашишнинг вариантлари таснифида таянч фарқловчи белги, мезон бўла олишини инкор этиб бўлмайди.

Баъзи олимлар тил вариантларини гурухлашда жуғрофий ва ижтимоий кўрсаткичларни алоҳида эътиборга олишга интилишиб, минтақавий ҳамда ижтимоий вариантларни ажратиш тарафдоридирлар (масалан, қаранг: Rickford 1986; Williams 1992). Дунё инглиз тиллари таснифида “ажримчилик” ёндашуви учалик маъқул келмайди. Бу хилдаги тасниф бажарилишида, яххиси, барча кўрсаткичларни (ҳеч бўлмаганда, ёнма-ён турадиганларини) бир хилда эътиборга олиш лозим бўлади. Вариантларнинг минтақавий хусусиятлари ижтимоийларидан учалик узоқлашмайди. Ҳатто улар бир пайтнинг ўзида, тенг кўламда намоён бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Вариантларнинг фарқлари квалитатив ва квантатив кўринишларга эга. Сифат ва сон кўрсаткичлари ҳам бир-бирини инкор этмасдан, аксинча, бири-иккинчисини тўлдиради. Чунончи, *A* вариантида *X*

кўрсаткичи ва *B* вариантида *Y* кўрсаткичи мавжуд бўлган тақдирда сифат кўрсаткичлари қайд этилса, *X* кўрсаткичининг *A* вариантида *B* дагига нисбатан кўп миқёса учраши аниқланаётганида эса, миқдорий (квантатив) таҳлил амалга ошади. Квалитатив ва квантатив кўрсаткичларнинг бир хил даражада ва бир пайтнинг ўзида вариантлар фарқланишида асос бўлиши учун ажратилаётган кўрсаткичлар тасодифий хатолар бўлмасдан, балки доимо ва тизимли равишда такрорланадиган ҳодисалар қаторини ташкил қилишлари лозим.

Инглиз тилининг тарқалиши дунёнинг турли ҳудудларида турли сабаблар ва мақсадларда кечган. Ҳалқлар миграцияси тилларнинг миграциясини тақозо этади ва ушбу икки воқелик ёнма-ён, бир даврнинг ўзида содир бўлади. 17 асрнинг бошларида бир гуруҳ инглизлар Массачусетста кўчиб ўтиши билан Шимолий Американинг ишғол қилиниши бошланади ва 1640 йилда Янги Англия деб аталган ҳудудда 25 мингдан ортиқ инглизлар истиқомат қила бошладилар. 19 асрда миграция оммавий тус олди ва оқибатда АҚШда инглиз тилини ўз она тили сифатида эътироф этганларнинг сони 250 милиондан ошди. Канада, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Африка (қисман) мамлакатларида инглиз тилининг асосий мулоқот тилига айланиши ҳам миграция ҳаракатлари билан боғлиқ. Инглиз тилининг Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Малазия, Сингапур каби ҳудудларда тарқалишининг сабаблари босқинчилик мақсади амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу ҳудудларда инглиз тилини она тили деб ҳисоблайдиганларнинг сони жуда ҳам кам ва янгитдан юзага келган вариантларни баъзилар New English номи билан атайдилар ҳамда ушбу кўринишдаги инглиз тили иккинчи тил сифатида эътироф этилади (қиёсланг: Mufwene 2000:9). Бундан бир неча йил олдин “постколонијал вариантлар” (postcolonial



variants) атамасини қўллаган Э. Шнайдер вариантлар ҳосил бўлишини таджирий ҳодиса сифатида қарашни маъқуллади (Shneider 2007). Вариантлар ривожи эволюцион жараён эканлиги ҳақиқат, чунки ушбу жараён ижтимоий-маданий воқеалар кечишининг кетма-кетлигига кечади. Лекин таджирий босқичлар вариантлашувнинг барча ҳолатларида бир текис ва бир хил қўринишда кечиши гумон. Билдирилаётган гумонимизни асослаш учун Э. Шнайдер санаб ўтган тараққиёт босқичлари қаторини эслатмоқчимиз. Бу қаторга олим “асос солиш” (exonormative stabilization), “маҳаллийлашув” (nativation), “эндонорматив муқимлашув” (endonormative stabilisation), “фарқланиш” (differentiation) кабиларни киритиб, қўйидагича изоҳлайди (Shneider 2007:78-87):

1. “Асос солиш” босқичи инглиз тилининг бошқа бир ҳудудга кўчиб келган одамлар гурухи тамонидан қўлланишга киритилишини акс эттиради. Бу босқич маълум бир давр мобайнида кечиб, тил вазияти турғунлашганидан, яъни “кўчманчилик” тили ҳукмронликка эришганидан сўнг тугайди.

2. “Экзонорматив муқимлашув” ҳудуд истило қилинганидан сўнг инглиз тилининг тарқатилиши ва маҳаллий аҳоли орасида билингвиаллар гурухининг шаклланиши шароитида кечади.

3. “Маҳаллийлашув” босқичида кўчиб келганларнинг она юрти билан алоқаси сусаяди ва бунинг натижасида маълум турдаги лисоний воқеликлар юзага келади: маҳаллий аҳоли тили билан инглиз тилининг ўзаро “қоришуви” натижалари кўрина бошлайди, янги вариант ҳосил бўлишига замин тайёрланади.

4. “Эндонорматив муқимлашув” босқичи маҳаллий меъёrlарнинг астасекин қабул қилиниши ҳамда кўчиб келганларнинг маҳаллий аҳоли билан миллий ўзлик бирдамлигига интилиши, аникроқ айтадиган бўлсак, янги миллатнинг шаклланиши даврида кечади.

Айнан шу даврда луғатлар ва қўлланмаларда янги вариант намуналари қайд қилина бошлайди.

5. “Фарқланиш” босқичида янги миллат шаклланади ва турли ҳудудий, ижтимоий ҳамда этник гурухлар мажмуасидан ташкил топган бу миллатнинг тилида ички бўлиншилар, яъни “шева”ларнинг ҳосил бўлиши кузатилади.

Санаб ўтилган эволюцион босқичлар инглиз тили вариантыни ривожига ҳос бўлса-да, лекин улар ушбу тилнинг дунё бўйлаб тарқалишининг барча ҳолатларини акс эттирмайди. Уларга диққат билан разм согланимизда, сўз, асосан, инглиз тилининг биринчи ёки она тили сифатида эътироф этилишига оид ҳолатлар ҳакида кетаётганлигини ва фақат айrim пайтлардагина унинг иккинчи (расмий) тил сифатида қабул қилинишига изоҳлар берилаётганлигини кўрамиз. Ҳолбуки, инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалиши юқоридаги ҳолатлар билан чегараланиб қолмайди. Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида миллиардлаб фуқаролар бу тилни чет тили сифатида ўрганмоқдалар, ундан расмий ва илмий мулоқот жараёнларида фойдаланмоқда ва газета-журналлар нашр қилинмоқда ҳамда таржималар бажарилмоқда. Тилнинг бу йўналиш ва кўринишда тарқалишини назардан четда қолдириш мўлжалланган таснифнинг тўлақонли бўлмаслигига сабаб туғдиради, чунки таснифий мезонлар тўплами талабга жавоб бермайди.

Таснифнинг тўлиқ, барчани қониқтирадиган кўриниш олиши учун яна бир карра юқорида эслатилган сифат ва сон (квалитатив ва квантатив) таҳлил амалларига мурожаат қилингани маъқул. Квантатив таҳлилга мурожаат қилинганда инглиз тилининг қўлланиш миқёси, жамиятнинг турли соҳаларида (таълим, бизнес, хукуқ, маданият ва х.) бажараётган вазифаси аниқланса, квалитатив амаллар татбиқида эса ундан фойдаланиш даражаси, ижтимоий сингдирилганлик



меъёри белгиланади. Масалан, Хитой, Корея, Россия, Ўзбекистон каби мамлакатларда инглиз тилининг таълим, халқаро мулоқот соҳаларида қўлланиш миқёси кенгайиб бораётган бўлсада, лекин ундан фойдаланиш ва унга оид билимнинг “чукурлиги” даражаси Ҳиндистон ёки Сингапур мамлакатлариниiga ҳали етишганича йўқ. Энг муҳими, баъзилар ўйлаганидек, қандайдир бир “оралиқ ёки ўрта тил” вужудга келмасдан (каранг: Selinker 1992), балки ўзига хос хусусиятларга эга бўлган вариантлар шакланиш арафасида турибди. “Ўрта тил” эса она тили ва чет тили ўртасидаги ҳар қандай тизимлилик ва рационалликдан йироқ бўлган тузилмадан бошқа нарса эмас. Шу боис *interlanguage* тушунчаси социолингвистлар танқидидан холи эмас (киёсланг: Kashru 1993; Sridhar and Sridhar 1986).

Фикримизча, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида таклиф қилинган тасниф модели қўйилаётган талабларга бирмунча етарли даражада жавоб бера олади. Ушбу модел муаллифи Браж Кашру инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалишини занжирсизмон йўналишда кечишини эътиборга олиб, юзага келган вариантларни уч доира ичига жойлаштирган ҳолда тасаввур қилишни тавсия қиласди. Асосийси, вариантларнинг ўзаро муносабатига киришиши ва уларнинг доиралар ичida жойлашуви ўзгарувчан эканлиги ҳам эътибордан четда қолдирилмасдан, ушбу доиралар ўзаро кесишган ва ҳақиқий занжирни ҳосил қилган ҳолда тасвиrlenади (Kashru 1985; 1992; 1994). Иллиоис университетининг профессори дунё инглиз тилларини қўйидаги доираларда тақсимлайди:

1. *Ички доира* (Inner Circle). Бу доирага инглиз тили асосий тил бўлган Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия мамлакатлари киради. Бу мамлакатларда ахолиси баъзан бошқа тилларда сўзлашса ҳам, лекин қўпчилик она тили сифатида инглиз тилини эътироф этади ва у расман давлат тили деб эълон

қилинган. Америкаликлар, ўз навбатида, бундай расмиятчиликка учалик эътибор бермасдан (АҚШ Конституциясида “давлат тили” ҳақидаги банд йўқ), доимо инглиз тилини биринчи ва ҳукмрон тил деб биладилар.

2. *Ташқи доира* (Outer Circle). Бу доирага инглиз тили кўплаб расмий вазифаларни бажарадиган, у давлат бошқаруви, таълим, адабиёт ҳамда маданиятда ўз ўрнини эгаллаган Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Жанубий Африка, Нигерия, Замбия, Филиппин каби мамлакатлар киради.

3. *Кенгаяётган доира* (Expanding Circle). Бу доирага кирадиган мамлакатларда инглиз тили турли вазифаларни бажаради ҳамда таълим соҳасига кенг миқёсда жорий қилинган бўлса-да, лекин бунда асосан илмий ва техник адабиётлар билан танишиш ҳамда мулоқат юритиш қобилятини шакллантириш мақсадида ўргатилади. Бундай мамлакатлар қаторига муаллиф негадир факат Хитой, Индонезия, Эрон, Япония, Корея ва Непални киритади (Kashru 1983: 145-170). Ҳолбуки, айнан ушбу доира дунёning кўплаб мамлакатларини, шу жумладан, Ўзбекистонни ҳам камраб олади. Инглиз тилининг жаҳон бўйлаб кенг тарқалиши кузатилаётган бир пайтда ушбу доира сарҳадини 4-5 та мамлакатни санаб ўтиш билан чегаралаб қўйиш таклиф қилинган таснифнинг заиф кўриниш олишига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, Б.Кашру модели айрим камчилик ва заифликлардан холи эмас. Ушбу модель, кўп турдаги вариантлар хусусиятларини ўта оддийлаштириш йўли билан тасвиrlаш асосида шакллантирилган ҳамда вариантларни гурухлашда жуғрофий-тарихий кўрсаткичлар олд ўринга чиқарилиб, улар бажарилаётган вазифа, яъни функционал белгиларга tenglashтирилган. Энг ачинарлиси, модель учун танланган таснифий белгилар ҳар доим ҳам социолингвистик шархга эга эмас. Шу



боис, модел мунаққидларидан бири “уч доира тушинчаси миллатлар фарқига асосланган модел ва у тарихий воқеаларга таянади, ҳозирги социолингвистик фактлар эса қарйб инобатга олинмайди”, дейиш билан ҳақли эди (Bruthiaux 2003:172).

Социолингвистик омиллар, сўзсиз, тил вариантиларини ажратиш ва уларнинг таснифлашда мухим кўрсаткичdir. Бинобарин, бир хилда “ташқи доира” ҳудудига киритилган Малазия ва Сингапурдаги инглиз тилининг роли ва бажараётган вазифасини қиёслаб кўрайлик. Буюк Британия ҳукмронлиги даврида ягона бир давлатни (British Malaya) ташкил қилган Малазия ва Сингапур мустақилликдан сўнг алоҳида давлатлар сифатида ажралиб чиқишиди ва уларнинг ҳукуматлари юритилаётган тил сиёсати туфайли юзага келган социолингвистик мухит тамоман бошқабошқа кўриниш олди. Бу, даставвал, инглиз тили қўлланишининг миқёси ва қўламида намоён бўлади. Малазияда инглиз тилининг қўлланиши кўпроқ инсонларнинг ижтимоий мақомига, қайси гурухга оидлигига боғлиқ: Куала Лумпурда яшовчи зиёлилар, олий маълумотли кишилар ундан “иккинчи” ёки “биринчи” тил сифатида фойдалансалар,

узоқ минтақаларда яшовчилар учун у ҳануз “узоқ чет тили” бўлиб қолмоқда (қаранг: Pennycook 2003:519; David 2004). Сингапурда, аксинча, инглиз тили кенг миқёсда ва чуқур ўрганилади, ундан фойдаланиш даражаси ҳам Малазиянидан анча юкори (Low, Brown 2005). Ҳозирги пайтда ҳатто ёш авлоднинг кўпчилиги инглиз тилини она тили сифатида ўрганиб вояга етишмоқдаларким, бу Singapore English вариантининг “ички доира”га яқинлашувига туртки бермоқда.

Эслатилган камчиликларга карамасдан, Б.Кашрунинг “уч доира” модели дунё инглиз тилларининг таснифлаш ва тавсифлашнинг бирмунча қуляй модели бўлиб, у тилдан фойдаланиш амалиёти, фойдаланувчилар ва, ниҳоят, унинг шакллари орасидаги муносабатларни аниқлаш имкониятини кенгайтиради. Бундан ташқари, дунё инглиз тиллари тадқикида вариативлик ҳодисасини асосий ўринга кўйиган ушбу модель ўзининг оддийлиги билан ҳам ажралиб турди ва худди шу сабабли уни чизмада тасвиrlаш осон кечади. Кўйида келтирилаётган чизмада дунё инглиз тиллари занжирли муносабатини акс эттиришга ҳаракат қиласиз:

Ички доира

Инглиз тили биринчи тил: Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия

Ташқи доира

Инглиз тили таълим, ҳуқук бизнес, сиёсат соҳаларида расмий тил: Ҳиндистон, Филиппин, Сингапур, Бангладеш, Жанубий Африка

Кенгаяётган доира

Инглиз тили бошқа тиллар соҳиби бўлганлар билан расмий мулоқот тили ва чет тили сифатида ўрганилади: кўплаб Европа, Осиё ва Жанубий Америка мамлакатлари

Чизмадан кўринадики, уч доиралари тасниф модели плюрализмга хос тамойилларга асосланган ҳолда қурилган бўлиб, ушбу тамойилларнинг татбиқ этилиши тилни тизимлаш ҳодиса сифатида

тасаввур қилиш билан бир қаторда, унинг қўлланиш шарт-шароитлари, мухитини ҳам бевосита идрок этиш ҳамда илмий тасвиrlаш изоҳлаш имконини беради.



Адабиётлар

1. Alsagoff L. English in Singapore: culture, capital and identity in linguistic variation // World Englishes, 2010. Vol. 29. No. 3. –P. 336-348.
2. Anthea Gupta's web page at <http://www.leeds.ac.uk/English/staff/afg/singeh> 2
3. Banjo A. On codifying Nigerian English: research so far. In: Bamgbosse, Banjo A. and Thomas A. (eds.). New Englishes. A West African Perspective. –Ibadan: Mosuro, 1993. –P. 203-31.
4. Bolton K. (ed.). Hong Kong English: Autonomy and Creativity. –Hong Kong: Hong Kong University Press, 2002.
5. Bruthiax P. Squaring the circles: issues in modeling English worldwide // International Journal of Applied Linguistics, 2003. Vol. 13. No.2. –P. 159-173.
6. Craddol D. English Next (2006) at: <http://www.britishcouncil.org/learning-research-English-next.htm>
7. David M.K. (ed.). Teaching of English in Second and Foreign Language Settings: Focus on Malaysia. –Frankfurt: Peter Lang, 2004. Chapter 1, P. 1-15.
8. Deterding D. Singapore English. –Edinburgh: Edinburgh University Press, 2007.
9. Dillard J.L. A History of American English. –New York: Longman, 1992.
10. Gill S.K. International Communication: English Language Challenges for Malaysia. – Selangor: University Putra Purra Malaysia Press, 2002. Britain D. Grammatical variation in the contemporary spoken English of England. In: Kirkpatrick (ed.). The Rutledge, 2010. –P. 37-58.
11. Görlach M. Text types and Indian English. In: Görlach M. (ed.). More Englishes. – Amsterdam: Benjamins, 1995. –P. 192-219.
12. Hall S. Cultural studies: two paradigms. In: Storey J. (ed.). What is Cultural Studies? – London: Arnold, 1996. –P. 31-48.
13. Holmes J. An Introduction to Sociolinguistics. –London, New York: Longman, 1992.
14. Jakobson R. On Language. –Cambridge, MA: Harvard University Press, 1990.
15. Johnson S. A Dictionary of the English Language. –L; 1775. II vol.
16. Kachru B., Kashru Y., Nelson C. (eds.). A Handbook of World Englishes. –Oxford: Blackwell, 2006.
17. Kashru B. Models of New Englishes. In: Cobarrubias J., Fishman J. (eds.). Progress in Language Planning Inretnational Perspectives. –Berlin: Mouton, 1983. –P. 145-170.
18. Kashru B.B. Standards, codification and sociolinguistic realism. The English language in outer circle. In: Qurk R. and Widdowson H. (eds.). English in the World: Teaching and learning the language and literatures. –Cambridge: Cambridge University Press, 1985. –P. 11-30.
19. Kashru B.B. The second diasporas of English. In: Machan M. and Scott C.T. (eds.). English in the social contexts: Essays in historical sociolinguistics. –New York: Oxford University Press, 1992. –P. 230-252.
20. Kashru Y. Interlanguage and language acquisition research. (Review of L.Selinker, Rediscovering Interlanguage. London: Longman). // World Englishes, 1993. Vol. 12. No.2. –P. 265-268.
21. Language Varieties web site at <http://www.hawaii.edu/satocenter/langnet>
22. Low E.L. Brown A. English in Singapore: An Introduction. –Singapore: McGraw –Hill Asia, 2005.
23. Milroy L. Standard English and Language Ideology in Britain and the United States. In: Bex T. and Watts R. (eds.). Standard English: The Widening Debate. –London, New York: Routledge, 1999. –P. 173-206.
24. Mufwene S. Population contacts and the evolution of English // The European English Messenger, 2000. Vol. 9. No. 2. –P. 9-15.



25. Nihalani P., Tongue R.K., Hosali P. and Crowther J. Indian and British English. – Karachi: OUP, 2006.
26. Pennycook A. Global Englishes, Rip Slyme, and performativity // Journal of Sociolinguistics, 2003. Vol. 7. No. 4. –P. 513-533.
27. Rickford J.R. The need for new approaches to social class analysis in sociolinguistics // Language and Communication, 1986. Vol. 6. No.3. –P. 215-221.
28. Schneider E.W. Postcolonial English. –Cambridge: Cambridge University Press, 2007.
29. Selinker L. Rediscovering interlanguage. London: Longman, 2002.
30. Shridhar K.K., Shridhar S. N. Bridging the paradigm gap: Second language acquisition theories and indigenized varieties of English // World English's, 1986. Vol. 5. No. 1. –P. 3-14.
31. Starr F.S. Lost Enlightenment: Center Asia's Golden Age From the Arab Conquest to Tamerlane. –Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2013. 634p.
32. Trudgill P. Sociolinguistic Variation and Change. –Edinburgh: Edinburgh University Press, 2002.
33. Trudgill P., Hannah J. International English. –London: Edward Arnold, 2008.
34. Williams G. Sociolinguistics: A sociological critique. –London: Rutledge, 1992.
35. Wolfram W., Schilling – Estes N. American English. –Oxford: Blackwell, 1998.
36. Салохиддинов Ф.С. С.Джонсон как лексикограф (лексикографический анализ A Dictionary of the English Language С.Джонсона). Автореф. Дисс...канд.филол.наук. – Ленинград, 1975. –24.С.

Рахимов Г. Варианты английского языка в мире и их особенности. В статье рассматривается актуальный социо-лингвистический процесс – развитие видов английского языка, определяются как географические, так и социально-экономические статусы существующих вариантов английского языка. Также высказываются предложения по совершенствованию принципов классификации вариантов английского языка.

Rakhimov G. World English and their peculiarities. The article deals with an actual social-linguistic process – development of the variants of English in the world. It also describes geographic and social-economic status of existing variants of English. The author suggests improving of principles of English language variants classification.
